# ХАБАР

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 26 сентябрь № 39 (267) ● Сотувда нархи эркин


## «БУЗТЕЛ» — УЯЛИ АЛОҚАДА ЯНГИ НОМ

***Индонезиянинг «Бузтел» (Бакри Ўзбекистон Телеком) корхонаси кўчма ва стационар уяли алоқа бўйича 2 та лицензия олгач, дарҳол амалий ишга киришди. Барча ташкилий масалалар ҳал қилинди, техник лойиҳа амалга оширилди. Ниҳоят, жорий йилнинг август ойида «Бузтел» уяли алоқанинг янги тармоқларини ишга тушириш бўйича тақдимот маросимини ўтказди. Корхонанинг энг замонавий алоқа жиҳозлари Тошкентдаги «Ле Меридиан» меҳмонхонасидаги хоналардан бирига ўрнатилиб, марказий станция ишга туширилди. Маросимда иштирок этган Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Соекадари Хонгговонагоо «Бузтел»нинг халқаро уяли алоқа телефони билан дастлабки халқаро сўзлашувни амалга оширди.***

Ҳозирда Тошкентда 10 та асос станциялар ишлаб турибди, йил охиригача бу сафга яна 7 та станция қўшилади. Марказий станция билан биргаликда жами станция сони 18 тага етади. Бу 40 километрлик радиусда бемалол уяли алоқа сигналларини тарқатиш ҳамда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. «Бузтел» ўта тараққий этган рақамли GSM андозаси асосида Ўзбекистонда ўз ишини юритмоқда. Яқин 2-3 йил ичида мазкур корхона жаҳондаги энг йирик фирмалардан бири бўлган Индонезиянинг «Бакри Групп Компани» фирмаси ёрдамида 2000 йилгача Ўзбекистон ҳудудида қарийб 115 мингта кўчма ва 325 мингта станционар телефонларни ишга туширишни мўлжаллаган. Корхона мижозларга факс, роуминг, мультимедиа, овозли ахборотларни етказиш каби алоқалар бўйича хизмат кўрсатади.

Мустақиллик байрами олдидан «Бузтел» бошловчи мижозларига ажойиб совға тайёрлади. Уларга қимматбаҳо (нархи 500 АҚШ доллари) телефон аппаратлари совға қилинди. Мижозлар сентябрь ойи мобайнида уяли алоқа хизматидан бепул фойдаланишади. Бунда фақат SIM-карточка нархи ҳамда улаш ҳақи тўланса бўлди. Бугунги кунда «Бузтел» мижозлари сони тобора кўпайиб бормоқда.

«Бузтел» эндигина иш бошлади. Ҳали олдинда жуда кўп оғир ҳамда қизиқарли юмушлар турибди. Гап ана шу вазифаларни муваффақият билан амалга оширишда қолди.

***Ка Изо АРКИНО***



*Телефончи Венера УСМОНОВА Жиззах шаҳар электралоқа боғламасининг «09» хизматида ишлайди. У ўз касбига меҳр қўйган. Шу боис ҳам мижозлар ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.*

***Суратчи Б. ТОШМАТОВ***

## АЛОҚАЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Деҳқонларимизнинг қалб қўри, пешона тери, катта меҳнатлари эвазига етиштирилган пахта ҳосилини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг бурчидир. Шуни яхши англаган «Сирдарётелеком» ҳиссадорлик жамиятининг алоқачилари ҳам шу кунларда пахтазорларга чиқиб, дала меҳнаткашларига яқиндан кўмак беришмоқда.

Ҳозирги кунда корхонанинг Рустамжон Абдуматов бошлиқ 30 кишилик бригадаси аъзолари Мирзаобод туманининг «Деҳқонобод» давлат хўжалиги далаларида тер тўкишиб, вилоятимизнинг 325 минг тонналик хирмонига ўз улушларини қўшишмоқда. Маъмурият томонидан далада иссиқ овқат ташкил қилинган.

Илғор теримчилардан Станислав Цой, Анна Скрипникова, Жаҳонгир Юсуповлар кунига 50-60 килограммдан пахта териб, хирмонга тўкмоқдалар. Илғор теримчилар доимий равишда рағбатлантириб борилмоқда.

***Абдуғафур ҲОТАМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Сирдарё вилояти***

## БЕМИННАТ ЁРДАМ

Шу кунларда Андижон вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари Бўз тумани пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Алоқачи ҳашарчилар теримнинг биринчи куниёқ уч тоннадан мўл, иккинчи куни эса сал кам беш тонна оқ олтин тердилар. Андижон шаҳар электралоқа боғламасидан электромонтўрлар Ҳусанбой Тўрақулов, Неъматжон Усмонов, Раҳимжон Қодиров, муҳандис Сергей Киреевлар 60-80 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Ҳашарчилар алоҳида ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминланган. Бўз туманининг Маннoп Жалолов номли ширкатлар уюшмаси маъмурияти ҳам алоқачи ҳашарчиларга қулай иш шароитлари яратиб беришган.

***Раҳмонжон УЗОҚОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Андижон вилояти***

## ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Республика алоқа ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси «Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг дастурий ҳужжатлари тўплами» қўлланмасини ўзбек ва рус тилларида чоп эттирди. Ушбу қўлланма тармоқ касаба уюшма ходимлари учун муҳим ҳужжат бўлиб, унда республика алоқа ходимлари касаба уюшмасининг Низоми, Ҳаракат дастури ва бошқа зарур иш юритиш қонун-қоидалари ўрин олган. Қўлланма барча касаба уюшма ходимларининг яқин кўмакчиси бўла олади.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### •Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 сентябрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент Ассамблеяси Президенти Хавьер Руперез, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Бош котиби Спенсер Оливер ҳамда ЕХҲТнинг Тошкентдаги ҳудудий бюроси раҳбари Ганчо Ганчевни қабул қилди.**

● Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки кун давом этган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси 23 сентябрь куни ўз ишини якунлади. Мажлис ниҳоясига етгач, меҳмонхонанинг Амир Темур залида «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзуидаги халқаро семинар очилди.

**● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош шимолий ҳудудидаги сўнгги воқеалар муносабати билан баёноти эълон қилинди.**

● Чирчиқда «Ўрта Осиё батальони-97» кўп миллатли кучларининг дала машқлари ниҳоясига етди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган бу машқларда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Грузия, Россия ва Латвия қуролли кучлари вакиллари иштирок этдилар.

**● Душанбеда Тожикистондаги миллий ярашиш комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бирлашган тожик мухолифатчилари вакилларини ҳукумат таркибига киритиш, бўлажак Президент ва парламент сайловларини ўтказиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Бирлашган тожик мухолифатчилари етакчилари ўзларининг вакилларига ҳукуматдаги лавозимларнинг учдан бир қисми берилишини, бундай ҳукуматни дарҳол шакллантиришни талаб этмоқдалар.**

● Германияда 1 сентябрда юраги операция қилингандан сўнг бу ерда даволанаётган Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов Мюнхендан Ашхабодга қайтиб келди. Шифокорлар у яна 1 ой давомида даволаниши керак, деб ҳисобламоқдалар.

**● Украина Президенти Леонид Кучма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 52-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка келди.**

● Гонконгда Халқаро валюта фондининг мажлиси иш бошлади. Унда ушбу фондга аъзо мамлакатлар молия вазирлари иштирок этмоқдалар.

**● Буюк Британия Бирлашган Қироллиги таркибида бўлган Шотландиядан сўнг Уэлсда ҳам бу мухторият аҳолиси референдумда ўз парламентлари — Миллий ассамблеяни тузишни ёқлаб овоз бердилар. Аммо бу парламент қонунлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмай, асосан маҳаллий бошқарув ва иқтисодиёт масалалари билан шуғулланадиган бўлди.**

● Сербияда бир йўла Президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, собиқ Югославия Президенти Зорон Лилич давлат раҳбари лавозими учун кураш олиб борган 17 номзод орасида энг кўп — 41 фоизга яқин овоз олган.

# ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

***Бухоро вилоятидаги Ромитан тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Эркин Тоҳирович РИЗАЕВ мухбиримизга корхонада олиб борилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Туманимиз ҳудуди анча кенг, 9,5 минг абонентга электралоқа хизмати кўрсатамиз. Газли шаҳарчасида 10 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Шу боисдан бу ерда алоҳида телефон станциямиз бор. Ушбу станция шаҳарча аҳолисига ҳамда 60 та ташкилотга алоқа хизмати кўрсатади. Илгарилари шаҳарчада телефон алоқаси кўнгилдагидек эмасди. Ҳозир камчиликлар бартараф этилиб, бузилиш ҳоллари камайган. Дунё мамлакатларига бевосита шу жойнинг ўзидан чиқиш имконияти мавжуд. Илгарилари шаҳарлараро сўзлашувларда 24 та давлатга чиқиш мумкин бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 60 тага етказилди. Транс-Осиё-Европа шиша толали кабел магистралининг Газли орқали ўтказилгани бу ердаги аҳолига анча қулайлик туғдирди. Жорий йилда ушбу шаҳарчада янги АТС биноси қуришни мўлжаллаяпмиз. Шу билан бирга замонавий рақамли АТС қуришни ҳам бошлаб юборганмиз.

Инсон манфаатлари йилида ишчи-ходимларга барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Ходимларнинг ўртача ойлик маоши 2800 сўмдан юқори. Дебитор ва кредитор қарзларни камайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Туманда бу борада тузилган комиссия бизга корхона ва ташкилотлардан қарзларни ундириб олишда ёрдам беряпти. Телефондан фойдаланганлик ҳақини тўламаган корхона ва ташкилотлардан қарзларни халқ судлари орқали ундириб оляпмиз.

Ҳозирги кунда аҳолидан абонент тўловларини йиғиш ҳам жуда қийин кечяпти. Шунинг учун бу ишга барча ходимларни жалб қилганмиз.

Корхонада эл олқишига сазовор бўлган алоқачилар талайгина. Кабел пайвандловчи С. Турсунов, телефончи С. Аҳророва, қишлоқ телефон станцияси электромонтёри Ҳ. Султонов, шаҳар телефон станцияси электромонтёри В. Аҳроровлар ўз меҳнатлари билан бошқаларга намуна бўлишаётир.

Шунингдек, туманда узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган инсонлар ҳам бор. Клавдия Ермилова ана шундай инсонлардан бири. У тармоқда 40 йилдан кўп меҳнат қилган ва ҳозир ҳам ўз тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиб келади. Корхонамизда унинг кўплаб шогирдлари меҳнат қилмоқда.

Корхонада барча ишлар давлат тилида олиб борилаяпти. Ходимларимизга лотин ёзуви ҳамда инглиз тили ҳам ўргатиляпти. Хуллас, аҳолининг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

***Суҳбатни И. АҲМЕДОВ ёзиб олди***



***Қилаётган ишинг кўпчиликка манзур бўлса сенинг бахтинг. Чортоқ шаҳридаги 2-алоқа бўлими почтачиси Адашбой Дўсматов кўп йиллик иш фаолияти даврида ана шундай бахтга сазовор бўлган инсонлардан. У шу кунларда шаҳардаги Султон Жўра, Бурҳон Ҳусаинов номли ҳамда Мустақиллик, Боғишамол маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатаётир.***

***А. ТЎЙЧИБОЕВ, А. СОЛИЕВ олган сурат***

# ҲОЖАТБАРОРЛАР

29-ўрта мактаб ўқитувчиси Баҳодир Туробов ўз касбининг фидойиси бўлиш билан бирга «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ўртасида яхши тарғиботчи сифатида ҳам танилган. У 7-бригада жамоаси ҳузурида бўладиган навбатдаги суҳбатга ҳозирлик кўриб ўтирган эди, почтачи Абдумутал Жумаев газеталарнинг янги сонини келтириб қолди. Почтачини илиқ кутиб олган тарғиботчи: «Жуда вақтида келдингиз, газеталарни орзиқиб кутаётган эдим. 1997 йилги пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тингловчиларга етказмоқчи эдим» — деди. Почтачи «Сиз айтган қарор чоп этилган газеталарни келтирдимда, домлажон» — дея тарғиботчининг қувончига қувонч қўшди.

Бувайда туманининг Янги ҳаёт қишлоқ алоқа бўлимида 3 нафар почтачи 11 та қишлоқ, 26-ҳунар-техника билим юрти ва 29-ўрта мактабга хизмат кўрсатади. Почтачилар қарийб 500 нусхага яқин газета-журналларни ўз эгаларига етказмоқда. Нишонбой Тожиев, Абдуҳамид Сиддиқов каби қўли енгил алоқачилар 870 нафақачига пулларини вақтида тарқатиб, олқиш олишаётир.

Қишлоқ алоқа бўлими бошлиғи Абдураҳмон Имомов бўлимда олиб борилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Бўлимимиз туман марказидан анча йироқда. Аммо туман почта алоқа хизмати бўлими сараловчи ходимларининг газета-журналлар, хат-хабарлар, жўнатма ва нафақа пулларини бизга вақтида етказиб беришаётганлиги сабабли ишимиз самарали бўляпти. Энг муҳими — нафақачиларнинг 1 миллион 480 минг сўмлик ҳақини вақтида етказиб бераётирмиз.

***Қаюмжон ТУРСУНОВ, жамоатчи мухбиримиз, Фарғона вилояти***

# КИЧИК ҚОМУС

Маркалар йиллар мазмунини ўзида ифодалайди. Бу жиҳатдан уларни кичик қомус деб атаса бўлади.

Ўзбекистонда даставвал чиқарилган марка 1927 йилга тўғри келади. Унда ягона байроқ остида қардош халқлар вакиллари тасвирланган эди.

1933 йилда Ўзбекистонга атаб ишланган рангли маркалар пайдо бўлди. Улардан бирида биринчи тракторни бошқараётган ўзбек йигити, унинг ортида эшак қўшилган аравада оппоқ соқолли чол турарди. Умумий манзарада эса завод ва фабрикаларнинг кўриниши ифодаланган эди. Шу тариқа Алишер Навоий, Ҳамза, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев хотирасига бағишланган маркалар юзага келди. Ўзбекистон маркаларининг бир қисмини қадимий ёдгорликлар безаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, диёримизда ўз ҳаётимизнинг кичик қомуси — почта маркаларига эътибор кучайиб, улар тобора теранроқ мазмун касб этмоқда.

***А. АЛИЕВ тайёрлади***

**• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?**

# БАХТИНИ ТОПГАН ЭЛВЕРА

Пойтуғ почта алоқа боғламасига қарашли «Наврўз» алоқа бўлимининг иш юритувчиси Элвера Салимгариева эл ҳурматини қозонган, тажрибали алоқачилардан биридир.

Элвера ўрта мактабни 1969 йили битирганидан кейин туман марказидаги алоқа тармоғига телефончиликка ишга кирди. Шундан сўнг бироз телеграфчиликда ҳам ишлади. Мана, 28 йилдирки, алоқа тармоғининг ходимаси. Бу соҳада катта тажриба orттирди. Турли миллат вакилларига хизмат кўрсатиб, ўз бахтини, иқболини топди.

Отаси — Алижон ака — ўзбек, пахта тозалаш заводида кўп йил ишлаб, нафақага чиқди. Онаси — Сонияхон — татар. Онасининг отаси озарбойжон, онаси эса, қозон татари эди. Элверанинг турмуш ўртоғи Саловат эса бошқирд. У Избоскан туман ҳокимлиги мудофаа ишлари бўлимида ишлаб нафақага чиқди. Бу байналмилал оиланинг 2 қизи, 1 ўғли бор. Тўнғич қизи Элмира Андижон давлат тиббиёт институтини тугаллаб, шифокорлик қилаётган бўлса, куёви, татар миллати вакили Ринат шу институтни битириш арафасида турибди. Қизи Лилия ҳам опаси ортидан бориб, шифокор бўлишни танлаган. Ҳозир, у 5-босқич талабаси. Ўғли Руслан 8-синфда ўқийди.

Бир касб этагини тутиб, шунга содиқ бўлиб келаётган Элвера Салимгариевага ҳамма ҳавас қилади. Ўз жамоасида обрў-эътиборга сазовор. Хонадонида тинчлик-тотувлик. Невараси Диана ишдан қайтганида унга овунчоқ.

Алоқа бўлими хизмат кўрсатадиган ҳудудда 15 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг кундалик ҳаётини газета-журнал, хат-хабар ва шошилинчномаларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари, 1000 та нафақачи, 30 нафар уруш ногирони ва қатнашчилари бор. Турли тиллардаги 444 нусха газета, 80 нусхадаги журналлар обуначиларга тарқатилади. Вилоятда чоп этилаётган «Холис» газетасидан ҳафтасига 40 нусха, «Андижон ҳафтаномаси» дан 100 нусха аҳолига нақд пулга сотилади.

Меҳнат инсонни улуғлайди. Назаримда, бу гап Элвера Салимгариевага ўхшаган фидойи инсонлар шаънига айтилгандек.

***Қўлдош ҲОЖИМАТОВ, Андижон вилояти***

## ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚОШИДА ЯНГИ ОЧИЛГАН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 1997-1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, ўрта мактабнинг 9-синфини битирган иқтидорли ўқувчилар конкурс асосида қабул қилинади. Ўқиш давомида ўқувчилар иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Лицей-интернатни битирганлар ўрнатилган тартибда Тошкент электротехника Алоқа институтига ва Тошкент Алоқа коллежига тест асосида қабул қилинади. Лицей-интернатда математика, физика, хорижий тиллар ҳамда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари машғулотлари чуқурлаштирилган дастур асосида олиб борилади.

Лицей-интернатни битирганларга ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома ва ЭҲМ оператори мутахассислиги гувоҳномаси берилади.

Ўқишга кириш учун ҳужжатлар 25 сентябрдан 10 октябргача Тошкент Алоқа коллежи биносида қабул қилинади.

Лицей-интернатга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. 086 шаклдаги тиббиёт маълумотномаси.
3. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
4. 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли).
5. Яшаш жойидан маълумотнома.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй, Тошкент Алоқа коллежи.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Ҳурматли Маматкарим Тўхтасинович ҚОДИРОВ!**

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз ва алоқа соҳасидаги фаолиятингизнинг 40 йиллиги билан чин дилдан табриклаймиз ҳамда узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**«Маҳаллий телеком» Акциядорлик компанияси жамоаси**

* * *

**Ҳурматли Гулнорахон АЛИЕВА!**

Сизни 26 сентябрь — туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

**Бухоро вилояти, Ромитан почта алоқа боғламаси жамоаси**

* * *

Ўзбекистон тумани, Яйпан почта алоқа боғламаси жамоаси почтачи Ҳабибахон КАРИМОВАни 50 ёши ва алоқа соҳасида иш бошлаганлигининг 20 йиллиги билан самимий қутлайди. Унга мустаҳкам соғлик, узоқ умр тилайди.

Илҳом ЗОЙИР

# БЕДАНА

• Ҳажвия

— Яна ҳажвиями? — деди қорамағиздан келган, ўрта бўйли, озғин, пешонаси тарам-тарам бўлим бошлиғи қўлимдан қоғозларни олар экан.

— Ҳамма ҳажвиячи бўлиб кетган! Кулганларинг-кулган... Ташлаб кет, ўқиб қўяман...

— Қачон келай? — дедим ийманибгина.

— Санлар мингта, ман битта, — деди у, гўё бутун бошли газетада ундан бошқа киши ишламайдигандай. — Ўқиб қўяман дедим-ку, санга! Бунча ичинг тор бўлмаса. У стол четида уйилиб ётган қоғозларни кўрсатар экан: — Мана, бир тўда материал. Ана шуларни саксон поизи ҳажвия. Ман бир ўзим ҳаммасини ўқиб чиқишим керак. Билмадим мандан бошқа одам шуларни ўқийдими, йўқми? Санлар бўлса тиқилинч қиласанлар... Майли, йўлинг тушганда бир мўралаб ўтарсан, унгача ўқиб қўяман...

Яна бир нима сўрасам, унинг «портлаб» кетиши турган гап эди. Бошимни елкаларим орасига тортиб, қандай кирган бўлсам, хонадан шундай чиқиб кетдим. Икки кун ўтгач, бир «мўраламоқчи» бўлдим, лекин ишни бузиб қўяманми деб қўрқдим. Бармоғим етганча кун санадим. Орадан роппа-роса ўн кун ўтказиб, эшигидан «мўраладим».

— Яна ҳажвиями? — деди хонага киришим билан. — Ҳамма ҳажвиячи бўлиб кетган! Қани, бер қани буёққа!

— Мен ўн кун олдин сизга ҳажвия ташлаб кетган эдим, — дедим тортиниб. — Шуни натижасини...

— Ичинг тор экан, сан болани! Санларнинг ҳаммангни ичинг тор! Санларга кеча ташлаб кетган нарсаларинг бугун чиқса... Ман эса бир ўзим...

— Мен ўн кун олдин...

Гапим сабил қолди.

— Мана буларни ташлаб кетишганига бир йилдан ошган, — деди олдинги сафар кўрсатган қоғозларига ишора қилиб. — Сарғайиб кетганига қара буларни. Ана шуларни аптирлари ҳам ҳар куни эрталаб киёскага югуради: газитга ҳажвиям чиқдимикан деб. Баракалло ўшаларга... Сан бўлса ўн кунни гапирасан-а!.. Ҳай, майли, номи нима эди ҳажвиянгни?

Мен номини айтдим.

— Қаерга қўйган эканман? — дея минғирлаганча қоғозларни роса оғдар-тўнтар қилиб, охири топди.

— Қурбон Қирон санмисан? — деди қоғоздаги имзога қараб. — Мана, ўқиб қўйган эканман. Нима ҳақда эди бунингни ўзи?

— Ўқиган экансиз-ку, — дедим қўрқа-писа.

Унинг башараси тезда ўзгарди.

— Ҳа, энди бир кунда бунақалардан мингтасини ўқиб чиқаман. Қайси бири эсимда қолади, — деди менга ёвқараш қилиб. — Майли, ўтир, ҳозир бирпасда ўқиб ташлаймиз.

Бир томонга қийшайиб турган курсига омонатгина ўтирдим.

— Ҳим-м, ҳажвия, — деди лабини чўччайтириб ва ўқишга тутинди...

Чамамда, тўрт-беш қатор ўқиди ё ўқимади, ўзидан-ўзи ҳиринглай бошлади. Унинг ҳиринглаши кўнглимга илиқлик бағишлади. «Демак, ҳажвиямда бир нима бор», дедим ичимда қувониб. У бўлса яна кулди. Бу сафар сал баландроқ кулди. «Хайрият, ёзганим ёқаяпти» дедим ичимда. Шу пайт кутилмаганда:

— Бедана, — деди жунжикиб.

Ҳайрон бўлдим. Ахир ҳажвиямда бедана ҳақида ҳеч гап йўқ эди-ку. Унинг хаёлини бузмаслик учун жим турдим. У бўлса биров қитиқлаётгандек ҳингир-ҳингир куларди. Оқибат унинг тор кулгиси кенг кулгига, кенг кулгиси қаҳқаҳага айланди.

— Во-ҳа-ҳа-а! Вой, қурғур бедана! — деди қўлини қўлтиғига солиб.

Жим турган одам беихтиёр гапириб юбордим.

— Узр, сиз менинг ҳажвиямни ўқияпсизми?

— Сеникини бўлмай, кимникини бўларди? Қурбон Қирон сенмисан ахир?

— Ҳа, мен...

— Демак, сеникини ўқиётган эканман-да...

Жим бўлдим. У бўлса ўқишни давом эттирди. Ҳаял ўтмай яна қаҳқаҳа отиб юборди.

— Во-ҳа-ҳа-а! Вой, жонивор, типирчилаяпти! — деди биқинини қашиб.

— Нима типирчилаяпти? — дедим диққатим ошиб.

— Бедана, — деди бошини кўтармай.

— Узр, менинг ҳажвиямда бедана ҳақида гап йўқ-ку, — дедим норози оҳангда...

— Бир пас жим турасанми, йўқми ўзи?! — дўқ урди менга қараб. Беданани бедана десам, сен ундан ошиб тушдинг, — деди қўлтиғига қўл солиб. — Ҳи-ҳи-ҳи...

«Наҳотки шунчалик кулгили ёзган бўлсам?» дедим ичимда. Ишонқирамай бўйнимни чўзиб, унинг олдидаги қоғозга қарадим. Ўзимнинг хатим. Меникини ўқияпти...

У бирдан ҳингир-ҳингир кулди-да, сўнг қўйнидан бир халтача чиқариб, стол устига қўйди. Халтачанинг ичида бир нима типирчиларди.

— Энди, ука, гап бундай. Мана шу беданани деб ҳажвиянгни охиригача ўқиёлмадим, — деди халтачанинг оғзини очар экан. — Тоза ҳаво олгиси келиб типирчилаяпти жонивор. Менинг эса қитиғим бор. У халтача ичидан олачипор беданани олиб, сийлаб-сийпалади: — Тинчлан жонивор, мана ҳозир сени тоза ҳавога олиб чиқаман...

Тилим лол, нима дейишимни билмайман. У бўлса:

— Ёнимда бедана олиб юрмасам, бир нимамни йўқотиб қўйгандай бўлавераман... Сан бир-икки кундан кейин хабар ол, унгача ҳажвиянгни ўқиб қўяман...

Мен ташқарига чиққанимда, ичкаридан бедананинг овози эшитилди.

Луқмони ҲАКИМ

# ТАБОБАТ

Агар киши кўнгил айнишидан қийналса, аввалдан шакар сепиб қўйилган ялпиз баргини есин. Ялпиз истеъмол этиш танани балғамдан фориғ қилади.

* * *

Овқатга тоғ ялпизини кўп ишлатадиган одамнинг ошқозони бақувват, ўзи кучли бўлади, ҳеч қачон зардага учрамайди. «Ҳаром қон кўпайиши» деган дарддан қийналмайди.

* * *

Наҳорда оч қоринга озгина исириқ ейдиган ҳар бир киши жигар хасталиклари, истисқо, ичак яллиғланиши, қорин дамлаш, балғам ва бавосилдан фориғ юради.

* * *

Турп, мингбоши, арпабодиён, кашнич уруғларидан угра қилиб, шўрвага солиб ичган кишига ҳеч қандай касаллик йўламайди.

* * *

Кимнингки юраги тез-тез урса, оқ хўроз сафроси билан бодом ёғини аралаштириб истеъмол қилсин.

* * *

Агар қонингиз меъёрга тушишини истасангиз, хурмо, олчадан шарбат тайёрлаб, уч кун наҳорда оч қоринга ичинг.

• Бухоронинг 2500 йиллигига



• Биласизми?

## СУҚРОТНИНГ СУРАТИ

Александриядаги грек-рим музейи ходими археолог Ҳасан Аш-Шайх эътиборини баландлиги 70 сантиметрлик оқ мармар ҳайкал ўзига тортди. Музейнинг заҳирадаги экспонатлари сақланадиган жойда бундай қадимий ёдгорликлар қалашиб ётибди. Лекин бу ҳайкал бошқаларидан аниқ ва нафис ишланганлиги билан ажралиб турар, расмнинг тузилиши худди танишдек туюлар эди. Синчиклаб текшириш натижасида буюк мутафаккир Суқротнинг бу ҳайкали рим даврида, Александрияда ишланган, деган хулосага келинди.

Ўша даврда «Ўрта ер денгизининг дурдонаси» деб аталган бу шаҳар жаҳоннинг фан ва санъат марказларидан бири эди.

***

## ЭНГ КАТТА КРОССВОРД

Француз Т. Брутл ва Ж. Луизлар тузган кроссворд дунёда энг катта ҳисобланади. Кроссворднинг узунлиги 5 метр, эни — 3 метр. Уни ечиш учун 50 минг катак ичига 18 мингта сўз топиб, ёзиб чиқиш лозим.

## ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

• Ўз устингдан кулишга тўғри келганда йиғлашни истаб қоласан.

* * *

• Моцартлар боқийдир, аммо Сальерилар узоқ яшайди.

* * *

• Пул инсонни, инфляция эса пулни бузади.

* * *

• Олижаноб мақсад ҳамма айбни ўз зиммасига олади.

* * *

• Кўк ранг шу қадар хотиржам қиладики, қизил рангни сезмай қоласан.

* * *

• Бошқаларни пастга уриш орқали юксакликка кўтарила олмайсан.

* * *

• У майдалашиб ўтирмас, каттагина қовун туширар эди.

* * *

• Энг қизиқарли гурунг — ўзинг ҳақингдаги гаплардир.

* * *

• Лаҳзани тўхтатишдан олдин унинг гўзал эканлигига иқрор бўл.

* * *

• Ўзини идеалга қиёсларкан, ўзини афзалроқ билар-ди.

* * *

• Тикони янгилигида атиргул яхшидир.

* * *

• Алдаш учун олдин ҳақиқатни билиш лозим.

* * *

• Ўз ютуқларининг соясида қолиб кетди.

* * *

• Кўз очилганда кўп нарсаларни эшитмай қоламиз.

* * *

• Далиллардан ҳам ўжарроқ бўлма.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
●
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
•
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0625. 9585 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

